Ishonch
2010-yil 4-may №53 (2778)

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросимидаги нутқи

(Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор инқирозга қарши туриш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлди.

Ижтимоий соҳада, инфратузилма ва транспорт-коммуникация тармоқларида кенг кўламли лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга доир вазифаларнинг ҳал этилиши Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар инқирозга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш вазифалари билангина чекланиб қолмасдан, узоқ истиқболга мўлжалланган дастурий мақсадларни ҳам қамраб олганини таъкидлашни истардим.

Биз шуни яхши англаймизки, инқироздан кейинги даврда ҳозирданоқ туб таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга йўналтирилган узоқ муддатли инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаётган ва амалга ошираётган мамлакатлар биринчи навбатда муваффақият қозонади.

Ўтган йили Ўзбекистонда 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури қабул қилинди. Ушбу дастурга етакчи тармоқларни янгилаш, йирик транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва тежамкор технологияларни жорий қилишга қаратилган умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан зиёд 300 дан ортиқ ўта муҳим инвестиция лойиҳалари киритилган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан, бунинг учун зарур шароит ва преференцияларни таъминламасдан туриб олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этиш қийин бўлишини барчамиз яхши тушунамиз, албатта.

Шу билан бирга, инвестиция лойиҳаларини молиялашда ички ресурсларни сафарбар этишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида ички манбалар улуши 68 фоизни ташкил этди, 2010 йилда эса бу кўрсаткич 70 фоиздан кам бўлмайди.

Биз узоқ муддатли ва кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишда 2007 йилда ташкил қилинган, капитал маблағи бугунги кунда қарийб 5 миллиард доллардан иборат Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг салоҳияти ва имкониятларини янада мустаҳкамлашга катта аҳамият бермоқдамиз. Жамғарманинг асосий вазифаси, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, хорижий шериклар билан бирга иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари объектларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишдан иборат.

Масалан, 2009 йилда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан Навоий шаҳридаги Иссиқлик электр станциясида қиймати 470 миллион долларлик замонавий буғ-газ қурилмасини барпо этиш ишлари бошланди. Бу ерда бугунги кунда Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зона ва халқаро мултимодал логистика маркази ташкил этилмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва малакали кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилаётгани ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимизда 1997 йилдан буён эски таълим тизимидан тўлиқ воз кечиб, 9 йиллик умумтаълим мактаблари ва уч йиллик касб-ҳунар коллежлари ҳамда лицейларни қамраб олган 12 йиллик бепул таълимни кўзда тутадиган Давлат дастури изчил амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда янги барпо этилган 1,5 мингдан ортиқ коллеж ва лицейларда 1 миллион 500 минг нафардан зиёд йигит-қиз ўрта техник ва гуманитар таълим олди, 2-3 мутахассисликка эга бўлди, хорижий тилларни, асосан инглиз тилини ўрганди.

Буларнинг барчаси, кейинги йилларда таълим учун сарфланган харажатлар мамлакатимиз Давлат бюджетининг 37 фоизидан ошганини, соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган харажатлар билан бирга ҳисоблаганда, 50 фоиздан ортиқни ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон нақадар юксак малакали кадрлар ва инсон капитали салоҳиятига эга экани яққол намоён бўлади.

Юқорида айтилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, қабул қилинган ривожланиш стратегияси ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши Ўзбекистонда, дунёнинг саноқли давлатлари қатори, 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқаришининг 9 фоиз ўсишини таъминлаш имконини берди. Иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 26 фоиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,8 баравар ошди.

Мамлакатимизда ўтган йили 940 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинди.

Маҳсулотлар экспорти 2,4 фоиз кўпайди, бу ташқи савдонинг ижобий салдоси сезиларли даражада ошиши ва мамлакатимиз олтин-валюта захирасининг барқарор ўсишини таъминлади.

Давлат бюджетининг барқарор профицити таъминланди, ташқи қарз 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 10 фоиздан ошмади.

Нуфузли рейтинг компаниялари ва халқаро институтларнинг прогнози бўйича Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки билан кенгайиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлайди, сўнгги йилларда биз учун ҳам кредит портфели ҳажми бўйича, ҳам Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик доирасида етакчи халқаро молия институтига айланган мазкур банкни муҳим стратегик шерик деб билади.

Ўтган давр мобайнида, яъни 1996 йилдан буён ажратилган 1 миллиард 200 миллион доллар кредит ресурслари ҳисобидан қиймати 520 миллион доллардан ортиқ 11 та лойиҳа амалга оширилди, умумий миқдори 650 миллион доллардан зиёд 15 та лойиҳани ўзлаштириш давом этмоқда.

Мазкур банк билан бизнинг ҳамкорлигимиз бугун сезиларли равишда кенгайиб бораётгани ва янги босқичга кўтарилаётганини катта мамнуният билан қайд этамиз. Йиллик мажлис доирасида умумий қиймати 1 миллиард 150 миллион доллардан ортиқ яна тўртта кредит шартномаси имзоланди, бошқача айтганда, Осиё тараққиёт банки мамлакатимизда ўз кредит портфелини икки баравар оширди.

Мамлакатимиз билан Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг асосини ташкил этувчи ўзаро ишонч ва олинган мажбуриятларга қатъий амал қилиш тамойиллари ҳамда ажратилаётган маблағларнинг Ўзбекистон томонидан мақсадли ўзлаштирилиши бундан буён ҳам таъминланади, дейиш учун бугун барча асосларга эгамиз.

Энди Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлигимизнинг бизнинг назаримиздаги устувор йўналишлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

**Биринчидан,** Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон учун ўта муҳим бўлган иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш дастурларини амалга оширишда бизнинг асосий ҳамкоримиз бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бу дастурлар экспорт таркибида юқори технологик, юксак сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар улушини оширишни ҳисобга олган ҳолда бой табиий ресурсларни, минерал, углеводород ва қишлоқ хўжалик хомашёларини чуқур қайта ишлашга йўналтирилган.

Бу ўринда гап Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари, жумладан, тоғкон, нефт-газ, кимё ва тўқимачилик саноатини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларини амалга ошириш ҳақида бормоқда.

Замонавий транспорт-коммуникация тизимини яратиш, шунингдек, Ўзбекистон миллий автомагистралини бунёд этиш, Навоий аэропорти базасида интермодал логистика марказини ривожлантириш, темир йўл тармоқларини кенгайтириш ва унинг ҳаракат таркибини тубдан янгилаш каби лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатимизни модернизация қилиш стратегиясининг энг муҳим устувор йўналишларини ташкил этади.

Осиё тараққиёт банки мазкур йиллик мажлис доирасида Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва модернизация қилиш учун 600 миллион доллар миқдорида кредит ажратиш тўғрисидаги битимни имзолаганини юксак қадрлаймиз.

**Иккинчидан,** хусусий бизнес ва иқтисодиётнинг нодавлат секторини қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожлантириш.

Агар 1991 йилда иқтисодиётимизда нодавлат сектор улуши 3 фоизга ҳам етмаган бўлса, бугунги кунда ялпи ички маҳсулотда ушбу секторнинг ҳиссаси 80 фоиздан ортиқни, иқтисодиётнинг қатор етакчи тармоқлари — қишлоқ хўжалиги, қурилиш, телекоммуникация, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эса хусусий мулк шакли қарийб 100 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, биз электроэнергетика, кимё, енгил саноат, озиқ-овқат, электротехника ва машинасозлик саноати, банк-молия хизматлари соҳаси ва иқтисодиётнинг бошқа етакчи тармоқларида хусусий сектор мавқеини янада ошириш ҳамда мустаҳкамлаш катта истиқболга эга, деб ҳисоблаймиз.

**Учинчидан,** қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг моддий базасини янада ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

Шуни назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоиздан ортиғи суғориладиган майдонларда етиштирилади. Шу сабабли минтақада сув ресурслари тақчиллиги ортиб бораётган ҳозирги шароитда соҳага сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бундай шароитда биз шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш билан боғлиқ катта ҳажмдаги ишларни бажаришимиз зарур ва бу жараёнда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик истиқболли йўналишларга эга, деб биламиз.

**Тўртинчидан,** ижтимоий соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларининг базасини замонавий талаблар асосида мустаҳкамлаш.

Мамлакатимизда яратилган мактаб, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим тизими салоҳиятини, аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасини қўллаб-қувватлаш, уларни энг замонавий ускуналар, компютер ва ахборот-коммуникация техникаси, технологиялари билан жиҳозлаш, соғлиқни сақлашда ташхис қўйиш ҳамда даволашнинг мукаммал ва илғор усулларини жорий этиш — булар, шубҳасиз, ҳамкорликнинг биз эҳтиёж сезаётган муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

**Бешинчидан,** Осиё тараққиёт банкининг мамлакатимиз банк-молия тизимини ривожлантиришда, жумладан, давлат молия институтларини ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш, тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит институтлари учун кредит линияларини тақдим этиш ҳамда Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган хусусий банклари капиталини оширишда фаол иштирок этаётганини қадрлаймиз.

Ҳамкорликнинг ушбу соҳаси ҳам яхши истиқболга эга эканига ишончимиз комил.

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банкининг Афғонистонни иқтисодий тиклашга йўналтирилган лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Мисол учун, Сурхон-Ноибобод-Кобул йўналиши бўйича электр узатиш линиясининг барпо этилиши 2009 йилда Ўзбекистондан электр энергиясини етказиб бериш ҳажмини 6 баравар ошириш ва Кобул шаҳрига сутка давомида узлуксиз электр энергияси узатишни таъминлаш имконини берди. 2010 йилда Афғонистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам электр энергияси етказиб бериш ҳажми яна икки баравар ортади.

Биз Ҳайратон-Мозори Шариф темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишда Осиё тараққиёт банкини қўллаб-қувватладик ва Афғонистонда темир йўл қатновини янада ривожлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу «трансафғон йўлаги»ни қуриш лойиҳасини амалга ошириш, Марказий Осиёдан Ҳинд океанининг яқин портларига юкларни энг қисқа темир йўл орқали транзит қилишни таъминлайди ва Афғонистонни иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашади.

Муҳтарам йиллик мажлис иштирокчилари ва меҳмонлари!

Осиё тараққиёт банки, унинг Бошқарувчилар кенгаши ва жаноб президент Курода жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мураккаб даврида юзага келган таҳдидларга ўз вақтида жавоб қайтаришни таъминлаган самарали ва изчил фаолиятни намоён этди, инқироз оқибатларини юмшатиш учун янги воситалар ҳамда ностандарт ёндашувларни ишлаб чиқди ва амалга оширди.

Инқирознинг ҳалокатли таъсирига бошқа давлатларга нисбатан яхшироқ бардош берган, дунёнинг энг жадал ривожланаётган минтақаси бўлган Осиё мамлакатлари бугун иқтисодий ривожланиш, мувозанатлашган иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида ҳам, минтақавий барқарорлик ва хавфсизлик соҳасида ҳам янги таҳдидлар олдида турибди. Ушбу масалаларни ҳал этиш халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва ҳукуматлардан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришни тақозо этади.

Осиё тараққиёт банки ва унинг президенти Харухико Куродага мазкур банк зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор изҳор этишга ҳамда йиллик мажлис иштирокчиларига муваффақият ва омад тилашга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Сизларнинг Ўзбекистонга ташрифингиз, сиз, анжуман иштирокчиларида ўчмас таассуротлар қолдиради ва сизларда меҳмондўст ва гўзал диёримизни яна бир келиб кўриш иштиёқини уйғотади, деб ишонамиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.



## ОТБнинг Тошкент анжумани:

# Ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик

(Боши 1-бетда)

Ўтган йилда миллий иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар умумий ҳажми қарийб 26 фоизга, жумладан, хорижий инвестициялар 68 фоизга кўпайди. Бу эса, ўз навбатида, хорижлик ишбилармон доираларнинг мамлакатимизга, бу ерда яратилган қулай инвестиция муҳитига ишончи ортиб бораётганини кўрсатади. Шу билан бирга, 2010 йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилди. Ўзбекистон молия сиёсатининг ўзига хос жиҳати шундаки, хорижий кредитлар, жумладан, ОТБнинг кредит линиялари бўйича маблағлар узоқ муддатли асосда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига киритилган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўлида жалб этилмоқда.

ОТБ мамлакатимиз билан кредит ҳамкорлиги бўйича халқаро молия институтлари орасида биринчи ўринда туради. Ушбу ҳамкорлик кўплаб йўналишларда амалга оширилмоқда. Жумладан, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сув ресурсларини бошқариш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда стратегик аҳамиятга эга қўшма лойиҳалар амалга оширилаётир.

Ўзбекистон ва ОТБ автомобил ҳамда темир йўллар тармоғини кенгайтириш, хусусан, Марказий Осиё минтақаси транспорт йўлагининг бир қисми бўлган Ўзбекистон миллий автомагистралини ривожлантириш учун фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Қиймати 300 миллион долларлик «Сув таъминоти ва канализация соҳасида мултитраншли молиялаш дастури» 2009 йилдан амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан биридир. Илгари қабул қилинган ана шундай лойиҳани амалга ошириш доирасида Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг 170 аҳоли пунктида қувурлар ўтказилмоқда ҳамда мавжуд ускуналар ҳолати яхшиланмоқда.

Ўзбекистоннинг ОТБ томонидан ажратилган маблағларни қайтариш бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажараётгани жаҳон молия бозорларида мамлакатимизга бўлган ишончни янада оширмоқда. Таъкидлаш жоизки, глобал инқироз шароитида кўплаб сармоядорлар нафақат айрим банклар, балки қатор мамлакатларнинг тўловга лаёқатсизлигига дуч келди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақасида энг барқарор ҳисобланган банк-молия тизими юқори даражада ишончлилиги алоҳида аҳамият касб этади. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ушбу тизимни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирлар кейинги икки йилда республикамиз тижорат банкларининг жами капиталини 2 бараварга кўпайтириш имконини берди. Ушбу банкларда капиталнинг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу Базел қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баравар кўпдир. Айни вақтда мамлакатимиз банк тизимининг жорий умумий ликвидлиги ташқи тўловлар бўйича банкларнинг жорий мажбуриятларидан 10 баравар ортиқдир.

ОТБ форумининг очилиш маросимида банкнинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги мамлакатларда узоқ муддатли иқтисодий ва ижтимоий дастурларни глобал ҳамкорлик доирасидаги барқарор ривожланиш йўлида қўллаб-қувватлаб келаётгани миллий иқтисодиётлар салоҳиятини ошириш билан бирга жаҳон миқёсидаги умумий тараққиётга хизмат қилаётгани таъкидланди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

# Ўзбекистоннинг иқтисодий ва инвестицион салоҳияти

(Боши 1-бетда)

Тадбирда Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода ОТБ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон билан ҳамкорлик йилларида ажратилган кредитлар ва жорий йилнинг 1 май куни имзоланган битимларни ҳам ҳисобга олганда, мамлакатни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми 2,4 миллиард АҚШ долларидан ортиқни ташкил қилади. Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ва самарали ривожланмоқда. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон жаҳон инқирозининг салбий таъсирини бартараф этиб, 2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга ўсишини таъминлади. ОТБ прогнозларига кўра, 2010 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,5 фоиз, 2011 йилда 9 фоизни ташкил қилиши мумкин. Бу Осиё-Тинч океани минтақасида энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. ОТБ томонидан амалга оширилаётган Ўзбекистон билан ҳамкорлик стратегияси мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Биз минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги ташаббуслари, жумладан, Афғонистонга электр энергияси етказиб беришни кўпайтириш ва трансмиллий транспорт йўлларини барпо этишдаги фаол иштироки учун Ўзбекистондан ғоят миннатдормиз. Буларнинг барчаси нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақани барқарор ривожлантиришга кўмаклашади.

Тадбирда Ўзбекистон хорижий ишбилармон доиралар учун инвестицион жозибадор мамлакат экани таъкидланди. Бу мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, қулай географик жойлашув, барча турдаги инфратузилмани жадал ривожлантириш, бой минерал-хомашё базаси, юқори малакали ишчи кучи мавжудлиги билан таъминланмоқда. Хорижлик шериклар билан биргаликда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган туб ўзгаришлар мамлакатнинг реал имкониятлари ва салоҳиятига, босқичма-босқич ёндашувга асослангани ниҳоятда муҳим, деди ОТБнинг Марказий ва Ғарбий Осиё мамлакатлари департаментининг бош директори Хуан Миранда. Мамлакат раҳбариятининг пухта ўйланган сиёсати самарасида миллий иқтисодиёт ва аҳолини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш учун мустаҳкам тўсиқ яратилди. ОТБ ўз стратегиялари доирасида муҳим тармоқлардаги лойиҳаларни молиялаштиришни давом эттирмоқда. Фарғона водийсининг қатор шаҳарларида сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш, минтақавий автомобил йўлларини ривожлантириш, кичик бизнесни микромолиялаш ана шундай янги лойиҳалар сирасига киради.

Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилиши иқтисодий ривожланишнинг «ўзбек модели» самарадорлигига ёрқин мисол бўла олади, деди «Кореан-Эйр» компанияси президенти (Корея Республикаси) Чи Чанг Хун. Навоий шаҳри аэропорти базасида Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёни ўзаро боғлайдиган халқаро мултимодал логистика марказини ташкил этиш учун кенг имкониятлар таъминланган. Ўтган йили ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди ва бу мазкур аэропортни глобал логистика тармоғига бирлаштириш имконини берди. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини жадал ривожлантириш, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун барча зарур шарт-шароит ва имтиёзлар билан таъминлаш яқин келажакда унинг Осиё минтақасидаги йирик иқтисодий марказга айланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш катта истиқболга эга, деди «GM DAT» компанияси президенти ва ижрочи директори Майк Аркамоне. «GM-Uzbekistan« қўшма корхонасининг фаолияти бунинг яққол тасдиғидир. Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан биргаликда автомобилсозлик соҳасида ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда. Бу инсон капиталининг ўсишига ҳам кўмаклашмоқда. Ўтган йили 1200 иш ўрни ташкил этилди, мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш йўлга қўйилди. Ўзбекистонда чуқур ва пухта ўйланган иқтисодий сиёсат амалга оширилмоқда. Хусусан, нафақат шаҳарлар, балки қишлоқ жойларда ҳам инфратузилмани ривожлантириш бўйича улкан ишлар бажарилмоқда.

Нефт-газ соҳасида қўшма лойиҳалар жадал амалга оширилмоқда, дейди «Petronas» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Иласегеран Надараж. Бугун дунёнинг 30 мамлакатида фаолият кўрсатаётган Малайзия компаниясининг ваколатхонаси Ўзбекистонда 2006 йилда очилган эди. Айни пайтда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан ҳамкорликда мамлакат ҳудудларида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Яқинда Оролбўйида ҳамкорликдаги геология-қидирув ишларини ўтказиш тўғрисида битим имзоланди. Мухтасар айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон «Petronas»нинг муҳим шерикларидан бири ҳисобланади ва бу ҳамкорлик, шак-шубҳасиз, янада кенгаяди.

Тадбирнинг бошқа хорижий иштирокчилари ҳам Ўзбекистон катта иқтисодий ва инвестиция салоҳиятига эга экани ҳақида гапирди. Улар Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мунтазам ошириш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган чуқур ва пухта ўйланган сиёсати, шу жумладан, глобал инқирознинг салбий таъсирини юмшатишга доир ўз вақтида қабул қилинган чоралар ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар. «Ўзбек модели» бугунги кунда кўплаб мамлакатлар учун самарали ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, барқарор ривожланишда намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

**(ЎзА)**

# Ўзбекистонда жамиятни демократлаштиришга оид босқичма-босқич ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда

**ЎзА мухбирлари Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бошланган 43-йиллик мажлиси иштирокчилари ва меҳмонларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.**

(Боши 1-бетда)

**Натан ТИВЕ, Кирибати молия вазири, Осиё тараққиёт банки бошқарувчиси (Кирибати):**

— Ўзбекистон ривожланиш босқичларидан муваффақиятли ўтаётган мамлакатдир. Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида иштирок этиш менга катта мамнуният бағишламоқда. Мазкур анжуман банк-молия соҳасидаги етакчи экспертлар, олим ва мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бераётир.

Мамлакатингиз иқтисодиётининг барча йўналишлари, шу жумладан, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш соҳасида кенг кўламли ва самарали ислоҳотлар олиб борилаётгани эътиборга молик. Мамлакатларимиз ўртасидаги масофа узоқ бўлишига қарамай, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ҳам, Кирибати ҳам улкан имкониятларга эга эканлигини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ўзбекларга хос гўзал фазилатлар — аҳиллик, меҳр-оқибат, ажойиб урф-одатлар ва миллий анъаналардан ўрнак олса арзийди. Ширинсухан ва меҳмондўст халқингиз ҳар қандай киши қалбида меҳр уйғотади. Энг асосийси — Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик. Бу сайёҳларни жалб этувчи энг муҳим омиллардандир.

**Нагао КАЗУЮКИ, Тошкент ислом университетининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси ўқитувчиси (Япония):**

— Мен кўп йиллар мобайнида Осиё тараққиёт банкида фаолият юритганман. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида жуда яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисининг айнан юртингизда ўтказилиши ҳам бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистондаги фаолиятим давомида юртингизда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда изчил ва самарали ислоҳотлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлмоқдаман. Мамлакатингизда жамиятни демократлаштириш йўлида босқичма-босқич олиб борилаётган, оқилона сиёсатга асосланган янгиланишлар юксак самаралар бераётир.

Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Талабаларга таълим бериш жараёнида шунга амин бўлдимки, Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти жуда юқори. Бу юртингизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасидир.

Мамлакатингизда халқ фаровонлигини янада юксалтириш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, жамоат транспортидан фойдаланиш учун барча қулайликлар мавжуд. Транспорт воситаларининг қулайлиги ва замонавийлиги бунга ёрқин мисолдир. Шахсан мен Тошкент метросидан фойдаланишни ёқтираман. Шунингдек, коммунал хизмат, хусусан, иссиқ ва совуқ сув ҳамда газ тизимидан фойдаланиш жуда арзон ва қулай.

Ўзбекистон, ҳақиқатдан ҳам, буюк давлат ва жуда гўзал мамлакатдир. Буни мен жуда чуқур ҳис этаман. Чунки юртингизда рўй бераётган буюк ўзгаришларни бу ерда яшайдиган кишилардан кўра хорижликлар яхшироқ сезадилар.

**Жеффри ШАФЕР, «Global bank» банкининг вице-президенти (АҚШ):**

— Дунёдаги энг нуфузли молия муассасаларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўнлаб мамлакатлардан молия соҳасида фаолият юритувчи юзлаб эксперт ва олимлар, мутахассислар, банкирлар иштирок этаётган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисининг юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон ОТБ билан кўп йиллардан буён турли йўналишлар бўйича яқин ҳамкорлик қилиб келаётгани маълум. Мазкур мажлиснинг мамлакатингизда ўтказилиши юртингиз билан ушбу йирик молиявий ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Жон КЕНН, «Microsoft» корпорациясининг минтақавий бизнесни ривожлантириш менежери (Сингапур):**

— Корпорациямиз Ўзбекистондаги бир нечта олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиб келади. Олиб борган тадқиқотларим натижасида шунга амин бўлдимки, мамлакатингизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш, тармоққа илғор технологияларни жалб этиш, бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етук кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ишлари самараси ўлароқ, юртингизда бу борада улкан интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар сафи кенгайиб бораётир.

**Никел Ли ХАНГ, Самоа молия вазири, Осиё тараққиёт банки бошқарувчиси (Самоа):**

— Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси нафақат Ўзбекистоннинг, балки дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатлари иқтисодий салоҳияти билан ҳам танишиш, бу борада ўзаро тажриба ва ахборот алмашиш учун жуда қулай имкониятдир. Шу ўринда мазкур мажлисга пухта тайёргарлик кўрилганини алоҳида қайд этишни истардим.



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг барча жабҳаларда изчил ривожланиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим. Юртингиздаги иқтисодий ривожланиш жараёнларига ҳавас қилса арзийди. Пойтахтингиздаги гўзал ва муҳташам иншоотлар, замонавий ва осмонўпар бинолар мамлакатингизнинг юксак қудрати ва салоҳиятидан далолат бериб турибди.

**Кеон Ву ЛИ, Кюнг Хи университети профессори (Жанубий Корея):**

— Осиё тараққиёт банкидаги кўп йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, Ўзбекистонда банк-молия тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасида мамлакатингизнинг ташқи иқтисодий муносабатлари тобора мустаҳкамланиб, халқаро майдондаги обрў-эътибори муттасил юксалмоқда. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш стратегиясидан ўрнак олса арзигулик жиҳатлар ғоят кўп.

Мазкур анжуман мен ва ҳамкасбларимга Ўзбекистон билан яқиндан танишиш, бу ерда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурроқ ўрганиш имконини бераётганидан жуда мамнунман.

Ушбу ташрифим мен учун ҳар томонлама фойдали бўлиш баробарида юртингиз ҳақидаги тасаввуримни янада бойитишга катта ҳисса қўшди. Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиб, ўзим учун олам янгиликларни кашф қилдим. Қадимий Самарқанд, Регистон, Гўри Амир, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Улуғбек расадхонаси каби меъморий обидалар ва муқаддас қадамжоларни кўриб, астойдил ҳайратландим.

**Брайн ШЕГАР, «Emirates NBD» банки бош менежери (БАА):**

— Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётида вужудга келган қатор муаммолар Ўзбекистон эркин иқтисодий бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаб жуда тўғри иш тутганини, тараққиётнинг "ўзбек модели" нақадар ҳаётий ва самарали эканини яна бир бор тасдиқлади. Мамлакатингиз истиқлолга эришганидан кейин қисқа вақт ичида барча йўналишларда жуда катта муваффақиятларга эришди. Шу ўринда Ўзбекистон банк-молия, инфраструктура, сармоя ва сайёҳлик соҳаларида улкан салоҳият ва кенг имкониятларга эга эканини таъкидлашни истардим.

Халқингиз қўлга киритаётган бундай улкан ютуқлар Президент Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсат самарасидир.

ОТБ саммитининг Ўзбекистонда ташкил этилиши мамлакатингизнинг халқаро нуфузи янада юксалишига хизмат қилади.

# Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми муттасил ўсмоқда

**Аминул Ислом БҲУИЯН, Осиё тараққиёт банки ижрочи директорининг ўринбосари:**

— Амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли глобал иқтисодий инқироз Ўзбекистонга деярли таъсир кўрсата олмади. Юртингиз инқироз оқибатларини бартараф этишда нафақат МДҲ мамлакатлари, балки дунёдаги бошқа кўплаб давлатлар орасида ҳам энг яхши натижага — ялпи ички маҳсулотни салмоқли ва барқарор оширишга эришди.

Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Хусусан, ҳамкорликда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сув ресурсларини бошқариш, соғлиқни сақлаш, таълим каби кўплаб соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Пойтахтингизда шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари киши эътиборини тортади. Бу ердаги файзли, ям-яшил боғлар, сержило фавворалар, кенг ва озода кўчалар, улкан иншоотлар, музей ва галереялар энг муҳими, меҳмондўст одамлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

**Энтони РЕУВЕЙ, «Бизнес Таймс» журналининг Токиодаги мухбири:**

— Нашримизда Осиё мамлакатларининг иқтисодий сиёсати ва молиявий соҳада олиб бораётган ислоҳотлари кенг таҳлил қилинади. Анжуман юксак савияда ташкил этилгани, жуда қизиқарли ва зарур тадбирларга бойлиги билан барчада катта қизиқиш уйғотмоқда. Барча тадбирларни тезкор ёритишда биз, журналистлар учун зарур шароит яратилганини алоҳида қайд этишни истардим.

Жаҳон миқёсида иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик сақланиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми муттасил ўсаётир. Кенг кўламли таркибий ўзгаришлар ва бозор механизмларини мустаҳкамлаш давом этаётир. Бу натижалар иқтисодий ўсиш суръати, макроиқтисодий барқарорлик, изчил жалб қилинаётган хорижий сармоя миқдорида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётир.

**Оливе ДЕКАМ, Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчи директори:**

— Анжуман юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу ерга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар мамлакатингиз иқтисодиётининг турли соҳаларида амалга оширилган самарали ишлар ва қўлга киритилган ютуқлар билан танишиш имконига эга бўлмоқда.

Саноати изчил ривожланаётган Ўзбекистоннинг автомобилсозлик соҳасидаги салоҳияти жуда юқори. Бу галги ташрифим асносида юртингиз кўчалари кенгайиб, кўплаб кўприклар қурилганига, автомобиллар сони тобора ошиб бораётганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистонга 2003 йилдаги ташрифим чоғида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлардаги кўплаб меъморий обидаларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлган эдим. Юртингизда маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани таҳсинга лойиқ.

**Нора НАНГИН хоним, Индонезия делегацияси аъзоси:**

— Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентдаги мажлиси баҳонасида Ўзбекистонни кўриш имкони туғилганидан жуда хурсандман. Жаннатмонанд юртингиз шу даражада гўзал ва бетакрорки, унинг бутун ҳудуди экосайёҳлик манзиллари бўла олади, десам муболаға бўлмайди.

Менга юртингиз бозорлари, миллий либос ва ҳунармандлик буюмлари сотиладиган махсус дўконлари жуда ёқди. Ранг-баранг нақшлар билан безатилган ўзбек либослари кўзни қувнатади. Қўлда тайёрланган бундай жозибадор ва нафис либосларни кўрган ҳар қандай аёлда уни харид қилиш истаги пайдо бўлиши шубҳасиз. Юртингиздаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт, одамлар чеҳрасидаги очиқлик, самимият, уларнинг меҳмондўстлиги, меҳнатсеварлиги ҳавасимни келтирди.

**Рожер ЭРХАРД, Канаданинг Халқаро ривожланиш агентлиги бош менежери:**

— ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси юксак савияда ташкил этилганини барча иштирокчилар кенг эътироф этмоқда. Таъкидлаш жоизки, мамлакатингиз бундай йирик халқаро анжуманларни ўтказиш борасида барча зарур ва қулай шароит ҳамда катта тажрибага эга.

Дунё мамлакатларининг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошидан кечираётган ҳозирги шароитда, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга ошириб келинаётган стратегия нечоғли узоқни кўзлаб, чуқур ва пухта ишлаб чиқилгани яққол намоён бўлмоқда. 2009 йили ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани мамлакатингизда юритилаётган изчил ва кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар бераётган самараларга ёрқин мисолдир. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойилига асосланганӣ жуда тўғри йўл экани нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилган.

# «Ўзбек модели»нинг юксак самаралари

**Ҳариндер КОҲЛИ, «Centennial Group Holdings» корпорацияси президенти (АҚШ):**

— Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси доирасида Марказий Осиё мамлакатларида глобал молиявий инқирозга қарши олиб борилган чора-тадбирлар ҳақидаги китобимнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Қайд этиш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида дунёнинг қарийб барча мамлакатлари оғир қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Шундай мураккаб шароитда глобал иқтисодий бўҳрондан деярли азият чекмаган Ўзбекистоннинг бой тажрибасини ўрганиш кўпчилик учун жуда фойдалидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий бўҳрондан зиён кўрмагани барча соҳалар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Жумладан, инфраструктура, қурилиш ва банк-молия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва қўлга киритилаётган улкан ютуқлар бунинг ёрқин намунасидир. Зеро, бу омиллар юртингиз иқтисодиётининг ҳар қандай шароитда муттасил ривожланишга қодир эканидан далолатдир.

Мамлакатингизнинг мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани — чиройига-чирой, кўркига-кўрк қўшилганини кўриб, лол қолдим. Ўзбекистоннинг тарихан қисқа давр мобайнида эришган улкан ютуқлари таҳсинга лойиқдир.

**Элла ВИСЕНТЕ хоним, мустақил маслаҳатчи — транспорт соҳаси бўйича етакчи мутахассис (Филиппин):**

— Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кучли ижтимоий сиёсат юритиш, иқтисодиётнинг барча соҳалари, айниқса, транспорт ва транспорт коммуникациялари тизимини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим.

Мамлакатингизга келиб, юртингизнинг нақадар тароватли эканига яна бир бор амин бўлдим. Тошкентнинг гўзал табиати, сўлим гўшалари, замонавий иншоотлар, маҳобатли меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, айниқса, халқингизнинг бой маданияти — урф-одатлари, қадрият ва анъаналари мени ўзига мафтун этди. Айни пайтда шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари эътиборни тортади.

Ўзбекистондаги тинчликка, осойишталик ва фаровонликка, ўзбекона эҳтиромга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

**Ю Йол ЛИ, Корея банки директорининг биринчи ўринбосари (Жанубий Корея):**

— Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва барқарор ривожланаётгани мамлакатда танланган тараққиёт модели ҳаётий ва самарали эканлигининг далилидир.

Мамлакатингиз сайёҳлик борасида ҳам улкан салоҳиятга эга. Юртингизда мазкур соҳа инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётир. Ўзбекистонда қад ростлаётган замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати тубдан яхшиланмоқда.

Ўзбекистонга икки йил аввал келгандим. Ўтган қисқа даврда Тошкент жуда ўзгариб кетибди. Буни Амир Темур хиёбонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, кўплаб замонавий иншоотлар, жумладан, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи мисолида кўриш мумкин.

**Хелен КАРН, олима (Кук ороллари):**

— Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳавас қилса арзигулик даражада барқарор ривожланаётганига гувоҳ бўлдим. Соҳага илғор ва замонавий технологиялар, янги инновацион ғоялар фаол жорий қилинаётгани ва бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани мазкур тармоқ изчил тараққий этишига хизмат қилаётир.

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси самарали ўтмоқда.

**Рокана СОРАКОСОМАХ хоним, Индонезия делегацияси аъзоси:**

— ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси юксак савияда ташкил этилгани билан барчани қувонтирмоқда.

Юртингизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик учун яратилган қулай муҳит индонезиялик ишбилармонларнинг мамлакатингизга қизиқишини тобора оширмоқда.

Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти жуда кучли эканига ишонч ҳосил қилдим. Бу мамлакатингизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасидир. Таҳсил олиш учун барча зарур шарт-шароитга эга интилувчан ва изланувчан ўзбекистонлик ёшларга ҳавас қилса арзийди.

Дунё илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган, Шарқ дарвозаси деб донг таратган Тошкент тасаввуримдагидан ҳам анча зиёда, гўзал экан. Шундай тинч ва обод диёрда яшаётган халқингизга чин дилдан ҳавасим келди.

**Бинду ЛОХАНИ, Осиё тараққиёт банкининг вице-президенти:**

— Ўзбекистонда биринчи бор ўтказилаётган мазкур анжуманда Осиё тараққиёт банкига аъзо етмишга яқин давлат вакиллари иштирок этмоқда. Долзарб аҳамиятга эга ушбу тадбир мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Жаҳондаги барча давлатларни қамраб олган иқтисодий инқироз талофатидан Ўзбекистон деярли зарар кўрмай чиқа олди, дейиш учун барча асослар бор. Ўз тараққиёт йўлига эга Ўзбекистон келгусида янада гуллаб-яшнашига қатъий ишонаман.

**Асни Хардиана бин АВАЛЛУДДИН, Малайзия Эксимбанки менежерининг ўринбосари:**

— Гарчи Ўзбекистонга илк маротаба ташриф буюрган бўлсамда, мамлакатингизда банк-молия тизими жадал ривожланаётганидан хабарим бор. Бу Ўзбекистоннинг халқаро молиявий бўҳрон асоратларини бартараф этиш ҳамда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишига хизмат қилмоқда. Бугун дунёдаги кўплаб давлатлар Осиё минтақасидаги етакчи мамлакатлардан бўлмиш Ўзбекистондан ибрат олса арзийди.

**Тала ГОВИНДА, Осиё тараққиёт банкининг Бруней, Малайзия, Мянма, Непал, Сингапур ва Таиланд мамлакатлари бўйича ижрочи директори:**

— Мамлакатингиз билан ОТБ ўртасидаги ўзаро муносабатлар изчил ривожланаётганининг асосий омили бундан икки томоннинг ҳам манфаатдор эканидадир.

Ўзбекистон иқтисодиёти жадал юксалиб, улкан муваффақиятларга эришмоқда. Зеро, юртингиз қисқа давр ичида дунё мамлакатлари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллай олди. Ўзбекистоннинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилган. Айтиш жоизки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Тадбиркорларнинг фаолияти кенг қўллаб-қувватланиб, эркин ва фаол иш юритиши учун барча зарур шароит яратилган. Булар юртингизда иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилаётган чора-тадбирлар бераётган самараларнинг амалдаги ифодасидир.

**ЎзА мухбирлари
Нодира МАНЗУРОВА,
Мадина УМАРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.**

# Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2010-yil 4-may №53 (2778)



Қўрғонтепа тумани аҳолисига яна бир қулайлик яратилди. Замонавий ва миллий меъморчилик андозаларини уйғунлаштирган «Қўрғонтепа буюм бозори» фойдаланишга топширилди. Уни «Нафис диёр гулшани» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари барпо этди.
Бозорда 110 та турғун савдо дўкони ва 1313 та савдо ўрни бор. Шунингдек, она ва бола, тиббий хизмат, солиқ хизмати, юк сақлаш хоналари, милиция таянч пункти, банк шахобчаси ишлаб турибди.

Суратларда: ёш тадбиркор опа-сингил Зарифа ва Зубайда Маҳмудовалар; ҳунарманд дўппидўз Раънохон Эргашева.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

## Муваффақият сари

**Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти биринчи галда ёшларининг жисмоний ва маънавий камолоти билан ўлчанади. Камолотга эришишда эса спортнинг аҳамияти беқиёс.**

Бугунги кунда юртимизда спортнинг оммавийлигини таъминлаш учун етарли шароит яратилган. Ёшларни спорт мусобақалари билан тўла қамраб оладиган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ўйинларидан иборат уч босқичли миллий тизим шакллантирилган.

Олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада» мусобақалари ёшлар қалбида спортга муҳаббат уйғотиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ўтказилади.

Урганч давлат университетида ҳам жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор қаратилмоқда. Университет талаба ва ўқитувчилари, хизматчилари спортнинг ўн икки тури бўйича тўгаракларга жалб этилган. «Универсиада» мусобақаларида қатнашувчи вилоятимиз терма жамоаси аъзолари орасида университетимиз спортчилари кўпчиликни ташкил қилади. Хоразмликлар «Универсиада — 2000» мусобақасида 11-ўринни эгаллаган бўлса, 2002 ва 2004 йилларда 8-ўринни эгаллаган. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Универсиада —2007» мусобақасида 4-ўринни олган. Хоразм жамоаси жами 1 та олтин, 19 та кумуш, 34 та бронза медалини қўлга киритган.

«Универсиада — 2010»га Урганч давлат университети ҳамда вилоятнинг бошқа спорт мажмуаларида 123 нафар спортчи юқори даражада тайёргарлик кўрмоқда. Машғулотлар малакали мутахассислар томонидан олиб борилаяпти. Бу борада ректоримиз бошчилигида махсус штаб тузилган. Университет маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Талаба» спорт клуби ҳамкорлигида спортчилар учун етарлича шароит яратиб берилган.

Андижон шаҳрида бўлиб ўтадиган «Универсиада — 2010» мусобақасида юқори поғоналардан жой олишга ҳаракат қиламиз.

**Арзигул ГЛИЖОВА,**
**жисмоний маданият факултети 2-босқич магистранти.**
**Нурия МАТЁҚУБОВА,**
**педагогика факултети 1-курс талабаси**

### Хотира абадий, қадр муқаддас

## Юз биринчи баҳор гуллари

**Аҳолиси 180 мингга яқин бўлган Хатирчи туманига бу йилги кўклам серфайз келди. Деҳқончилик, бунёдкорлик ишлари аввалида нуронийларнинг оқ фотиҳаси олинди. Бемор, бева-бечораларга меҳр-саховат кўрсатилди.**

Бу ерга келганимизда хушхабар устидан чиқдик. Урганжи қишлоғининг Жалойир маҳалласида истиқомат қилувчи Тошбуви момо Ҳаққулованинг 101 ёши нишонланаётган экан. «Қандоқ бўларкин, уринтириб қўймаймизми?» деган истиҳола дилимиздан кечса-да, дийдорга чорлагувчи орзумандлик йўлимизни очди.

Қишлоққа кириб борганимизда тайёргарлик бошлаб юборилган экан. Кенг ва ёруғ хонага файз бағишлаган онахон 3 фарзанд, 9 набира, 18 чевара-ю, яна бир ҳовли қавму қариндошлар қуршовида. Дераза ёнида, хонтахта устидаги гулдонда яшнаб турган анвойи гуллар 101 баҳорнинг завқу шавқини, ифорини намойиш этаётгандай.

Тошбуви момо ҳали анча тетик. Ҳазил-мутойибани ҳам жойига қўяр экан. Дастлаб суҳбатимиз ўша жаҳолатли «қоч-қоч»лар, қаҳатчилик азоблари, уруш мусибатлари ҳақида бўлди. Бугунги озод ва фаровон турмуш, меҳр-оқибат қуршовидаги осудаликка шукрона айтилди.

— Турмуш ўртоғим урушга кетгач, 10 нафар фарзанд тарбияси елкамда қолди. Нима азобларни кўрмадик. Кунда кавлаб, ер очганмиз. Буғдой ўрими мавсумида тиним нималигини билмасдик. Йўқчилик кўп қатори силламизни қуритарди. Уч нафар фарзандим билан дориломон кунларга етиб келдик...

Хотиралар таъсириданми онахон кўзларида ёш томчилари қалқди. Гап айланиб, узоқ умр кўриш сирига бориб тақалди. Тошбуви момо чеҳрасида беғубор табассум жилоланди:

— Ҳаммаси Худойимдан, айланай. Умрим давомида сабр-қаноатга, меъёрга, тараддудлик бўлишга интилганман. Элимизнинг меҳр-оқибатлилиги, юртимизнинг тинч-тотувлиги кўнглимни тоғдай кўтариб туради.

Онахон дуо қилди. Сафаримиз давомида туманда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳамроҳимиз — туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Меҳринисо Пирматова қуйидагиларни айтиб берди:

— Ўтган йил хотин-қизлар томонидан 72 та ёзма, 41 та оғзаки мурожаат келиб тушган бўлиб, барчасини ижобий ҳал этишга эришдик. Моддий ёрдам тайинлаш комиссияси томонидан оилавий даромади ночор фуқароларга қўшимча ёрдам берилмоқда. 165 нафар фуқаро ҳомийлик ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ёрдамидан баҳраманд бўлди.

Кексалар ҳолидан хабар олиб турилибди. 16 нафар ногирон ва нафақахўрларнинг аризаси инобатга олиниб, «Товоқсой», «Олтиариқ», «Косонсой», ва «Нуронийлар» оромгоҳларига йўлланма берилди. Туманда янгидан ташкил этилган «Олтинсой» сиҳатгоҳида 40 нафар меҳнат фахрийси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисобидан бепул дам олиб қайтди. Ҳомий ташкилот ва саховатпеша ишбилармонлар ташаббуси билан 210 та оилага қорамол олиб берилди. Бандликка кўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 1332 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилиб, 150 нафари касбга тайёрлаш бўйича махсус курсларда таҳсил олди. Касаначиликни ривожлантириш бўйича 245 та янги меҳнат шартномалари тузилди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Зиёбахш маскан

**Қадрият**

Қашқадарё вилоят ўлкашунослик музейида уч минг йиллик тарихимизга оид экспонатлар мавжуд. Музейда кўҳна Еркўрғон ёдгорлиги харобаларидан топилган сопол ва метал буюмлар, мамлакатимизнинг қадимий Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Навоий, Сурхондарё, Жиззах каштачилик мактаби намуналари, Хоразм, Туркманистон ва XX аср бошларида Эронда тўқилган гиламлар ҳам бор.

Поляк рассоми Апелбаумнинг юздан ортиқ ноёб картинаси, қадимий Насафнинг биринчи маркази Еркўрғондан топилган маъбуда тимсоли, Кушон даврида ясалган ҳайкалчалар кишини ҳайратга солади.

**Иззат ХИКМАТОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

## Миси чиқди

**Қинғирлик**

*— Ё, тавба! Гулнора хола, эшитдингизми? Сотим фермернинг япянги «Дамас»ини ўғирлаб кетишибди.*

*— Ҳа-я, Холидахон, эшитдим. Ўғрилар қўшни қишлоқдан экан. Машинани «запчаст» қилиб бозорда сотишаётганида қўлга тушибди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганлари шу бўлса керак-да!*

*— Ҳа, гапингизда жон бор, Гулнора хола. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йил ўтса-да чиқади. Ўтган йили Абулқосим оқсоқолнинг боқувдаги ҳўкизини етаклаб кетишганди. Ойни этак билан ёпиб бўлмас экан. Сабил қолгур ўғрилар ҳўкизни арзонгаровга пуллашаётганида милиция ушлабди. Суд ўғриларни жазолаб, ҳўкизнинг ҳақини Абулқосим оқсоқолга ундириб берибди.*

*— Нимасини айтасиз, қўшнижон. Тунов куни қишлоқ чеккасидаги Анзират гарангнинг уйига ҳам тунда ўғри тушиб, товуқларининг ҳаммасини ўмариб кетибди. Шўрлик рўзғорини шу товуқларнинг тухуми ҳисобига тебратиб юрарди...*

*— Тавба, Ҳалимбойнинг уйига тушган ўғрилар ҳам жуда устаси фаранг экан. Янги рангли телевизор, япон магнитафони, турк гиламлари. Яна алламбало қимматбаҳо нарсаларни шилиб кетиб, ҳазм қилиб юборишди-ёв.*

*— Холидахон, бу уйинг куйгур ўғрилар туни билан ухламайди чоғи. Қишлоғимизда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган антиқа ўғирликлар бўлмоқда. Ишонмасангиз, ҳув ана, қаранг, қишлоғимизга тортиб келинган телефон симёғочларини таги билан кесиб кетишибди. Кеча тунда Салимани тўлғоқ тутган экан. Эри «тез ёрдам»га сим қоқаман деса, телефон ишламасмиш. Кўчага чиқиб қарабди-ю, ҳайратдан ёқа ушлабди. На симёғоч бор, на... Тавба...*

*— Э-э, Гулнора хола, куппа-кундуз куни Қумри кампирнинг самовари, Гулсинойнинг ҳовлидаги бочкаси, Санобархоннинг ош дамлаб қўйган қора қозони, Лутфинисонинг газга қўйган манти қасқони таг-туги билан йўқолганига нима дейсиз?*

*— Алҳазар, алҳазар... Ҳайрон қоласан киши. Ҳовлида човгум, тоғора, челак... Э, нимангиз қолдими, тамом. Бир зумда супуриб кетишади. Куйдик-да шу лаънати ўғрилардан.*

*— Вой, Холидахон, қаранг, анави яқиндагина шаҳардан кўчиб келган Хосиятхоннинг ўғли эмасми?*

*— Худди ўзи, Гулнора хола. Эшитишимча, бу бола жуда шум экан! Уларнинг шаҳардан кўчиб келишига ҳам шу боласи сабабчи эмиш. Ҳозир ҳам қопда нимадир орқалаб олибди. Идиш-товоқларимиз ўғриси шу бўлмасин тағин.*

*— Тўғри айтасиз. Шу оила қишлоғимизга кўчиб келди-ю, ҳаловатимиз йўқолди. Юринг орқасидан пойлаб кўрамиз, бу шумтака қаерга боряркан?*

*Содиқжон қишлоқ чеккасидаги икки қаватли уйга етиб келгач, елкасидаги қопни ерга қўйиб, дарвозага ўрнатилган тугмачани босди. Кўп ўтмай, ичкаридан шим кийган, сочи калта, қулоғи-ю бўйнига тилла тақиб олган аёл чиқиб келди. Атрофга олазарак кўз югуртирди-да, ҳеч ким кўринмаганлигига ишонч ҳосил қилгач, Содиқжонни ҳовлига бошлади.*

*— Вой шўрим, гап бу ёқда эканку. Бу ахир, ҳалиги... Э, отинг қурғур нима эди...*

*— Бўлди-э, бас қилинг, Холидахон. Намунча ҳалиги-ҳалиги деб чайналасиз? Ҳаммаси кундек равшан-ку! Қани, бориб қўшни аёлларнинг ҳаммасини бу ерга чақириб келинг. Мисфуруш бойвуччанинг бир таъзирини бериб қўяйлик.*

*— Содиқжон, бу тоғоранг янги экан. Аввал ҳам сенга айтгандимку, бундай нарсаларни пачақлаб кел, кейин оламан, — Қаламқош шу гапни айтди-ю, қўлидаги яп-янги тоғорани ушлаганча ҳайкалдек қотиб қолди. Чунки бир гала аёллар унинг ҳовлисига бостириб киришганди.*

*— Илоё, уйинг куйсин...*

*— Аллоҳ жазонгни берсин...*

*— Ҳой, лаънати, кўрнамак, ахир бу менинг самоварим-ку? Мана бу эса...*

*Қаламқошнинг қўлидаги тоғора тарақ этиб ерга тушди. Бир зумда ҳовлида тўполон бошланиб кетди. Қилмишининг миси чиққан Қаламқош эса қаёққа қочишини билмай ҳовлини гир айланиб югурарди...*

**Латифжон МАНСУРОВ**


## Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Оққўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 24.09.2009 йилдаги № 1-219-сон ижро варақасига асосан Оққўрғон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган 1988 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 084 AEN, бўлган «Daimler Benz 230» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 10 214 236 сўм.**

2. 24.08.2009 йилдаги № 681-сон ижро варақасига асосан 1982 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. Н 158 КМ36, бўлган «Opel Kared» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 3 560 525 сўм.**

3. 24.10.2009 йилдаги ижро варақасига асосан 1996 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X028CEH, бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 2 086 290 сўм.**

4. 22.09.2009 йилдаги № 760-сон ижро варақасига асосан ишлаб чиқ. йили номаълум дав.бел. X 021 WYM, бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 2 975 837 сўм.**

5. 16.02.2009 йилдаги ижро варақасига асосан 1992 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 847 NDM, бўлган «Audi B4» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 10 858 860 сўм.**

6. 24.08.2009 йилдаги ижро варақасига асосан 1995 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 342 PTM, бўлган «Daewoo Cielo» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 6 833 864 сўм.**

7. 24.08.2009 йилдаги № 577-сон ижро варақасига асосан 1996 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 918 UMM, бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 5 314 446 сўм.**

8. 03.09.2009 йилдаги № 738-сон ижро варақасига асосан 1997 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 402 NON, бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 5 619 175 сўм.**

9. 24.08.2009 йилдаги № 685-сон ижро варақасига асосан 1993 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. A 962 TZM, бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 4 449 360 сўм.**

10. 24.08.2009 йилдаги № 684-сон ижро варақасига асосан ишлаб чиқ. номаълум дав. бел. номаълум, бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 5 328 722 сўм.**

1.Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан МЧЖ «Кўктерак матлубот инвест» омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 12.03.2010 йилдаги № 5-166-сон ижро варақасига асосан 1974 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 11 U 08-03, бўлган «Газ-24» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 910 000 сўм.**

2. 05.04.2010 йилдаги №939-сон ижро варақасига асосан ишлаб чиқ. номаълум дав.бел. номаълум бўлган «УАЗ-469» русумли автотранспорт воситаси , **бошланғич нархи — 8 080 196 сўм.**

3. 19.04.2010 йилдаги №2289-сон ижро ҳужжатига асосан ишлаб чиқ. номаълум дав.бел. номаълум бўлган «УАЗ-469» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 1 286 089 сўм.**

4. 04.11.2009 йилдаги №1-362-сон ижро варақасига асосан 1990 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 269 ASN бўлган «КАМАЗ 5410» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 28 812 499 сўм.**

5.02.04.2010 йилдаги № 928-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Шамсиддин Рахмон Бизнес» омборхонасида сақланаётган 1993 йилда ишлаб чиқ. дав. бел. S 466 EFM бўлган «Даевоо-Эсперо» русумли автотранспорт воситаси **бошланғич нархи — 6 299 906 сўм.**

1. Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 27.08.2009 йилдаги №1-673-сон ижро варақасига асосан Себзор жарима майдончасида сақланаётган 2009 йилда ишлаб чиқарилган дав. бел. 01 С 405 ВА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт қўйилмоқда, **бошланғич нархи — 12 000 000 сўм.**

1. Аукцион савдосига Сирғали тумани СИБ томонидан 17.03.2010 йилдаги №10-0909/1614-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «O'ZAVTOSHINA» корхонасига тегишли бўлган майдони 1905 кв.м.дан иборат бўлган Тошкент шаҳар Сирғали тумани, С.Олимова кўчасида жойлашган омборхона биноси қўйилмоқда, **бошланғич нархи — 125 000 000 сўм.**

1.Аукцион савдосига Хамза тумани СИБ томонидан 11.11.2009 йилдаги № 1-741/09-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Шаркли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган 2007 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 01 G795CA бўлган «Нексия Сонс» русумли автотранспорт қўйилмоқда, **бошланғич нархи - 13 500 000 сўм.**

2. Хамза тумани СИБ томонидан 11.11.2009 йилдаги № 1-741/09-сон ижро варақасига асосан Чилонзор 10-сонли жарима майдончасида сақланаётган 2006 йилда ишлаб чиқарилган дав. белгисиз бўлган «Нексия Донс» русумли автотранспорт қўйилмоқда, **бошланғич нархи — 11 500 000 сўм.**

1. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 22.12.2009 йилдаги № 4728/09-сон ижро варақасига асосан Учтепа тумани ИИБ ЙХХБ га қарашли 2-сонли жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 22.12.2009 йилдаги № 4728/09-сон ижро варақасига 2008 йилда ишлаб чиқарилган дав.белгиси 01U757 АА бўлган «Хундай Аванте» русумли автотранспорт, **бошланғич нархи — 38 500 000 сўм.**

2. 22.12.2009 йилдаги № 4728/09-сон ижро варақасига 2006 йилда ишлаб чиқарилган дав.белгиси 30 Т 7272 бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт, **бошланғич нархи — 16 885 000 сўм.**

3. 22.12.2009 йилдаги № 4728/09-сон ижро варақасига 2008 йилда ишлаб чиқарилган дав.белгиси 10 N 7707 бўлган «Шевролет Эпика» русумли автотранспорт, **бошланғич нархи — 29 824 000 сўм.**

1.Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 26.02.2010 йилдаги № 10-1007/2 86-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Пахтакор кўчаси 5-уйда сақланаётган 1996 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 10 АА 101 бўлган «Газел 330210» русумли автотранспорт қўйилмоқда, **бошланғич нархи —13 499 000 сўм.**

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 3 июн куни соат 11:00да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк 2010 йил 3 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 22 июн куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.**

**Телефонлар: 249-54-59**
**249-53-61.**
**Лицензия: DB 001 №000003**



Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari federatsiyasi / Federation of trade unions of Uzbekistan

**Muassis:**
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay`ati:**
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AIIAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

**Bo`limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

**Nashr ko`rsatkichi:** 133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: A. Abdullayev
Musahhih: S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 18.00.
Топширилди - 00.50

Буюртма Г — 451

19089 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5